

«Comply or explain» («риоя қил ёки тушунтир)
тамойили бўйича Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига
риоя қилиш тўғрисидаги ахборот

"Urganch yog'-moy" AJ акциядорларининг 2016 йил 6 майдаги йиллик умумий йиғилиши томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиш мажбурияти олинганлиги муносабати билан тендер орқали "Intelligent Analytics Group" МЧЖ мустақил консалтинг ташкилоти жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мақсадида жалб қилинди.

Мазкур ташкилотнинг (2017 й. 20 апрелдаги 01/01-65 – сонли) хулосасига асосан) "Urganch yog'-moy" AJ нинг корпоратив бошқарув тизими 700 балл йиғиб "юқори" деб топилган.

Объектив ва субъектив сабабларга кўра бажарилмай қолган ва бажарилиши таъминланаётган тавсияларга қуйидагилар кирди:

№	Бажарилмаган тавсия	Сабаб/бажарилишини таъминлаш (бартараф этиш) учун кўрилаётган чоралар
1.	АЖда янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва маркетинги учун қай даражада молиялаштириш амалга оширилмоқда?	Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг аксарияти юқори ташкилот томонидан тасдиқланган разнарядкага асосан сотилиши сабабли, янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва маркетинги учун молиялаштириш кўзда тутилмаган. Лекин, ишлаб чиқариш диверсификациясига кўра келажакда юқорида айтиб ўтилган тадбирларга маблағ ажратиш режалаштирилмоқда.
2.	АЖ вебсайтида ахборотнинг инглиз тилида ошқора этилиши.	Қисман бажарилган. Мазкур тавсияга риоя этишни ташкиллаштириш мақсадида жамият сайтида тегишли эълон жойлаштирилган.
3.	АЖ сайтида АЖ тўғрисида ОАВда чоп этилган материаллар мавжудлиги.	Бажарилмаган. Охириги вақтлар мобайнида Жамият тўғрисида ОАВда материаллар чоп этилмаган.

4.	<p>Экспертлар, маслаҳатчитлар ва мутахассисларнинг жамият тўғрисидаги фундаментал ва техник таҳлиллари натижалари, шархлари ва прогнозлари жамият сайтида жойлаштирилганми?</p>	<p>Бажарилмаган. Экспертлар, маслаҳатчитлар ва мутахассислар томонидан фундаментал ва техник таҳлиллар қилинмаган.</p>
5.	<p>Жамиятнинг дебиторлик қарздорлиги ҳисобот даври бошига нисбатан қисқарганми?</p>	<p>Дебиторлик қарздорлик ҳисобот даври бошига нисбатан камроқ бўлсада қисқарган. Ҳозирги кунда қарздорликларни қисқартириш мақсадида барча чоралар кўрилмоқда. Хўжалик судига белинган муддатларда даъво аризалари киритилади. Ундирилиши умидсиз бўлган қарздорликларни ҳаражатга чиқариш масаласи АУЙ муҳокамасига киритилди.</p>
6.	<p>Ижроия органининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилганми?</p>	<p>Корпоратив бошқарув тизими баҳоланган санага ҳисобот кўриб чиқилмаган. Мазкур масала жамият акциядорларининг 2017 йил 6 майдаги умумий йиғилишида кўриб чиқилди.</p>
7.	<p>Акцияларнинг биржа котировкаси мавжудми??</p>	<p>Жамиятнинг қимматли қоғозлари “Тошкент” Фонд биржаси листингига киритилган, аммо ҳисобот даври охиригидан кейинги 30 кун ичида операциялар амалга оширилмаган.</p>